



Developing the skills of creative cooperation of future foreign language teachers when using the “bit-lesson” technology

Shaxnoza IGAMBERDIEVA¹

Fergana state university

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2021

Received in revised form

15 October 2021

Accepted 20 November 2021

Available online

15 December 2021

Keywords:

teacher,

future teacher,

English language,

“beat-lesson”,

technology,

creativity,

creative collaboration,

collaborative pedagogy.

ABSTRACT

In this article, the methods of improving the skills of creative cooperation of future teachers of a foreign language with the help of “bit-lesson” technology are considered. The analysis of the elements of the structure and skills of creative cooperation of foreign language teachers, as well as the improvement of teaching methods based on an integrated approach is carried out. Possible, interdisciplinary integration through the “bit-lesson” technology. The development of opportunities for creative cooperation of students, by identifying and studying the learners’ learning opportunities, their levels with the integration of pedagogical and special disciplines. Improvement and implementation in practice of the methodology for developing the skills of creative cooperation of foreign language teachers using the “bit-lesson” technology. Which is based, first of all, on the specifics and modern technologies of integration and pedagogical processes. The problems of expanding the organizational and functional potential of the criterion are studied. The system of objective assessment of the level of development of the skills of creative cooperation of future foreign language teachers using the “bit-lesson” technology is also considered.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp190-198>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Teacher, department of English language, Fergana state university, Fergana, Uzbekistan. E-mail: sigamberdieva@list.ru.

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида “бит-дарс” технологияси орқали ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш

Калит сўзлар:

ўқитувчи,
бўлажак ўқитувчи,
инглиз тили,
“бит-дарс”,
технология,
ижодкорлик,
ижодий ҳамкорлик,
ҳамкорлик педагогикаси.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида “бит-дарс” технологияси орқали ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш усуллари такомиллаштириш, мазкур жараёнда бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ижодий ҳамкорлик кўникмалари тузилмаси элементларини таҳлил қилиш ва уларнинг мазмунини интегратив ёндашув асосида такомиллаштириш, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини “бит-дарс” технологияси орқали фанлараро интеграция, педагогик ва махсус фанлар интеграцияси мазмуни ва даражаларини аниқлаш орқали талабалараро ижодий ҳамкорлик компетенцияларини ривожлантириш, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини “бит-дарс” технологияси орқали интеграцион-педагогик жараёнларнинг ўзига хос хусусияти ва замонавий тенденцияларига таянган ҳолда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш ва амалиётда жорий этиш, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида “бит-дарс” технологияси орқали ижодий ҳамкорлик кўникмаларининг ривожланганлик даражасини педагогик диагностика қилиш усуллари ёрдамида тадқиқ этиш ва объектив баҳолаш мезонларининг ташкилий-функционал имкониятларини кенгайтириш муаммолари тадқиқ қилинган.

Развитие навыков творческого сотрудничества будущих преподавателей иностранного языка при использовании технологии «бит-урок»

Ключевые слова:

учитель,
будущий учитель,
английский язык,
«бит-урок»,
технология,
творчество,
творческое
сотрудничество,
педагогика
сотрудничества.

АННОТАЦИЯ

В данной статье, рассматриваются, методы совершенствования навыков творческого сотрудничества будущих преподавателей иностранного языка с помощью технологии «бит-урок». Проводится анализ элементов структуры и навыков творческого сотрудничества преподавателей иностранного языка, а также совершенствование методов преподавания на основе комплексного подхода. Возможная, междисциплинарная интеграция через технологию «бит-урок». Развитие возможностей творческого сотрудничества студентов, путем определения и изучения обучаемых возможностей учащих, их уровней при интеграции педагогических и специальных дисциплин. Совершенствование и внедрение на практике методики развития навыков творческого

сотрудничества преподавателей иностранного языка с использованием технологии «бит-урок». Которая основанна, прежде всего, на специфике и современных технологиях интеграционно-педагогических процессов. Изучаются проблемы расширения организационно-функционального потенциала критерия. Рассматриваются, также, система объективной оценки уровня развития навыков творческого сотрудничества будущих учителей иностранного языка при использования технологии «бит-урок».

КИРИШ

Бугунги кунда бўлғуси мутахассислар, хусусан, 0 бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ижодий ҳамкорлик кўникмаларини вертикал педагогик [1. Б. 192–193] воситалар асосида интеграциялаш орқали ривожлантириш муҳим педагогик муаммолардан ҳисобланади. Жаҳон амалиётида мазкур жараёнда ўқитишнинг замонавий технологиялари, хусусан, “бит-дарс” [2. Б. 146] технологияси асосида бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ижодий ҳамкорлик кўникмаларини устоз-шогирд муносабатлари негизига қуриш, бунда интеллектуал вазиятларнинг мураккаб ижтимоий-маданий ҳамда дидактик ҳодиса сифатида ўқув фаоллиги ва натижадорлигига таъсиридан самарали фойдаланиш тенденциялари мавжуд. Илғор таълим муассасалари томонидан билиш фаолиятида ижодий ҳамкорлик ҳаётнинг универсал таркибий қисми эканлиги, унинг педагогик қиймати, эркинлиги ва ихтиёрийлиги эътироф этилиб, мазкур жараёни “бит-дарс” технологияси асосида ривожлантиришга қаратилган самарали педагогик муҳит, амалий йўналганлик имкониятлари ва сифат кафолатини ошириш воситаси ҳисобланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ижодий ҳамкорлик назарияси ва амалиёти тенденциясини янада ривожлантиришда инновацион касбий-техник салоҳият элементларининг уйғунлиги ва узвийлигини таъминлаш асосида бўлажак хорижий тил ўқитувчилари ўртасида таълимнинг интегратив ташкилий функциясини янада кенгайтириш, таълим шакллари ва методларини модернизациялаш, шахсий ва касбий муҳим сифатларни шакллантириш каби интеграцион жараёнлар муҳим ўрин тутди. Бу эса соҳага доир билимларни эгаллаш жараёнидаги ижодий ҳамкорликни талабалар ўртасида “бит-дарс” технологиясига таянган ҳолда олиб бориш – бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш жараёнини педагогик-диагностик усуллар билан текшириш ва аниқланган муаммолар бўйича тегишли методик тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда таълим интеграциясининг дидактик имкониятларини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Асосий қисм: Хорижий тилларни касбий мақсадларда ўқитишда ўқувчи шахсининг:

- фикрлашини;
- эстетик тарбиясини;
- коммуникатив қобилиятини;
- оптимал қарор қабул қилиш малакасини;
- ахборот маданиятининг ривожланишини таъминлайди [3].

Хорижий тилларда тил аспектларини ўқитишда таълим жараёнини технологиялаштириш муайян методик, лингводидактик тамойиллар асосида ташкил қилиниб, у ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасидаги устувор йўналиш – коммуникатив ёндашув, яъни хорижий тилларни ўқитишдаги бош мақсад – мулоқотни ўргатишга йўналтирилади.

XX асрнинг 80-йилларида чет тилларни ўқитиш назарияси ва амалиётида шаклланган коммуникатив ёндашув талабалар ўқув фаолиятини интерфаол усулларда ташкил қилишнинг самарали омили сифатида тобора оммалаша бошлади. Етук услубчи олимлар И.Л. Бим, О.В. Афанасьева, О.А. Радченколарнинг асосли фикрича, хорижий тилларда мулоқотни ўргатишга йўналтирилган коммуникатив ёндашув таълим самарадорлигини оширувчи янги методик системадир.

Хорижий тил машғулотларини технологиялаштиришнинг коммуникатив асослари рус олимлари Е.И. Пассов, С.И. Полат, Н.И. Болдырев, Р.П. Мильруд ва И.Р. Максимоваларнинг тадқиқотларида кенг ва атрофлича ёритилган [4. Б. 9–10].

Хорижий тиллар ўқув-тарбия жараёнларининг барча босқичларини жадаллаштиради. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, таълим жараёнининг сифати ва самарадорлиги ортиши, ўқувчиларнинг билиш фаолияти фаоллашувини, фанлараро алоқаларнинг чуқурлашувини кузатиш мумкин.

Чет тили ўқитишнинг тарбиявий мақсади чет тилини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни ватанпарварлик, инсонпарварлик, ахлоқий поклик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама етук, маънавий жиҳатдан бой, мустақил фикрловчи шахсларни шакллантириш, уларда ростгўйлик, ўзга халқлар ва уларнинг қадриятларига ҳурмат, иймон-эътиқод, дўстлик, ўз қадрини билиш, иродалилиқ сифатларини тарбиялашни кўзда тутати. Тарбиявий мақсад хорижий тилдаги ўқув ва бадиий матнларни ўқитиш жараёнида амалга оширилади.

Чет тили ўқитишнинг таълимий мақсади деганда, хорижий тилни ўқитиш жараёнида талабаларнинг дунёқарашини, тафаккурини ўстириш, такомиллаштириш тушунилади [5. Б. 5].

Ҳозирги пайтда чет тили фани, биринчи навбатда, коммуникатив мақсадларда ўргатилади ва ўқитиш мазмунини белгилашда ўқувчиларнинг ҳаётий эҳтиёжларига мос келадиган, уларда гапиришга, фикр ёки муносабат билдиришга рағбат уйғотадиган, кундалиқ ҳаётлари жараёнида энг кўп дуч келинадиган мавзулар асосида мулоқотга ўргатиш бош вазифа қилиб белгиланмоқда. Нутқ мавзуларини мулоқотга ўргатиш мақсадида танлаш масаласи методист-олимлар ўртасида ҳамон ўзининг якуний ечимини топмасдан, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда.

Кўникма ва малакаларни шакллантириш чет тили ўқитиш мазмунининг иккинчи компонентини ташкил қилади. Маълумки, ҳар қандай фаолият тегишли кўникма ва малакалар шакллансагина, автоматлашган характерга эга бўлади.

Руҳшуносликда “кўникма” атамасига “у ёки бу ақлий ҳаракатни бир хил шароитда кўп марта такрорлаш натижасида ҳосил қилинган, автоматлашган онгли фаолият”, дея таъриф берилади. “Малака” эса инсоннинг олган билим ва кўникмаларини амалий фаолият жараёнида қўллаш олиш қобилиятидир.

Чет тилида эркин гапира олиш, ўқиб, эшитиб тушунишни ўрганиб олиш учун бу ўринда ҳам тегишли кўникма ва малакалар шакллантирилиши талаб қилинади. Кўникма ва малакаларни шакллантириш мураккаб психологик жараён бўлиб, у кўп

жиҳатдан фикрлаш билан боғлиқдир. Чунки фикрлашсиз ҳеч қандай нутқ вужудга келмайди. Шунинг учун чет тили дарсларида ўқувчиларнинг мавҳумий, мантиқий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. Кўникма ва малакалар қанчалик мустақкам шакллантирилса, ўқувчиларнинг гапириш, ўқиб ва эшитиб тушуниш, фикрларини ёзма баён қилиш қобилиятлари шунчалик яхши ривожланади. Кўникмаларни шакллантириш ва уларни малакаларга айланттириш оғзаки ва ёзма бажариладиган машқлар жараёнида амалга оширилади.

Чет тили ўқитиш мазмунининг учинчи компоненти тил материали бўлиб, улар тил ўқитиш босқичларига мувофиқ махсус дастурга танлаб киритилади. Бу материал фонетика, лексика, грамматикага оид қоидалар, уларга мос танланган матнлар ва машқларни ўз ичига олиб, ўқувчиларнинг таълим босқичларига (синфларига), ёшларига, қизиқишларига кўра танланади. Ўқув материалининг мазмуни, биринчи навбатда, умуминсоний қадриятлар ва тарбиявий, таълимий, ривожлантирувчи характерда бўлишлигига эътибор берилади. Чет тили ўқитиш дастури тил материални танлашга қуйидаги талабларни қўяди:

1. Коммуникатив ёндашув принципига биноан мулоқот мавзуларини танлашда ўқувчиларнинг кундалик турмушида энг кўп қўлланиладиган, уларнинг мулоқот эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган нутқ вазиятларидан фойдаланиш.

2. Таълимнинг ҳар бир босқичида муайян фонетик, лексик, грамматик ва уларга асосланган нутқ кўникма ва малакаларини коммуникатив ёндашув асосида шакллантириш.

3. Нутқ кўникма ва малакаларини шакллантиришда асосий эътиборни ўзаро фикр алмашувга йўналтириш.

4. Бу малакаларни шакллантиришда талаб қилинган фонетик, лексик, грамматик, орфографик минимумларга риоя қилиш [6. Б. 12].

Ижодий ҳамкорлик – икки ва ундан ортиқ ижодкорнинг биргаликдаги ижодий меҳнати. Ижтимоий ҳаётга муносабати, ҳаётий тажрибаси, маслак ва матлаби, эътиқоди, тили, эстетик ғоялари, ижодий услуби ёки йўналиши бири-бирига яқин ижодкорлар муайян асарни биргаликда яратиши мумкин [7].

Талабаларнинг дарсларда мустақил фикрлашларига етарли даражада эътибор берилмаётганлиги, уларнинг пассив тингловчига айланиб қолаётганликлари, ўқитувчи ва талаба ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилмаганлиги, синфда, илиқ руҳий иқлимнинг мавжуд эмаслиги, улар қобилиятини тўла намоеён қилишга тўсқинлик қилмоқда. Бизнинг фикримизча, бугунги кунда таълим жараёнида талабаларнинг мустақиллиги, ташаббускорлиги, ижодкорлиги ва қобилиятларига етарли даражада эътибор қилинмаяпти, талаба таълимда ижрочи, ўқитувчи топшириқларини, хоҳиш-истакларини бажарувчи вазифасида иштирок этипти.

Талабаларни креатив фаолият асосида ижодий ҳамкорликка тайёрлашда уларнинг умуммаданий салоҳияти, мутахассислик билимлари ҳамда шахсий фазилатлари шаклланишида уйғунликка эришиш талаб қилинади. Шу боис олий таълим ўқув режаларида кўзда тутилган барча билимларга оид фанларнинг интеграциялашув зарурати юзага келади. Демак, талабаларда креативлик ва у асосида ижодий ҳамкорликни ривожлантириш фанлараро алоқаларни мустақкамлашга асосланади. Талабаларда ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда

мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш мақсадида янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерфаол усулларида фойдаланишнинг аҳамияти каттадир. Бинобарин, шахсга йўналтирилган таълим ҳамкорлик педагогикаси, кичик гуруҳларда ишлаш усуллари таъсирида яхши самара бериши мумкин. Таълим технологиялари самарадорлигини янада оширишда замонавий ахборот коммуникацияларини кенг жорий этиш яхши натижа беради.

Маълумки, талабалар таълим олиш жараёнида ўзларида билим олишга ижодий муносабатларни шакллантиришлари, дарс материалларини юқори даражада ўзлаштиришлари керак. Бунинг учун хоҳиш-истакнинг ўзи камлик қилади, ваҳоланки, бугунги кунда ўқув-методик материаллар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари етарли даражада эмас.

Педагог олим В.П. Беспалько бу масалага ўз эътиборини қаратиб, “Агар дарслик тарбиявий вазифаларга (Мустиқиллик, Фаоллик, Мустиқил фикрлаш Қизиқувчанлик) бефарқ тузилган бўлса, ўқувчиларни ўз дунёқарашларини мустиқил шакллантиришга умуман ўргатиб бўлмайди. Агар дарсликларда ўқувчиларнинг ижодий сифатларини шакллантиришнинг тарбиявий мақсадлари, бунга эришишнинг йўналишлари кўрсатилмаган бўлса, ўқувчиларга ўзларида ижодий хислатлар, қобилиятларни шакллантиришни таклиф қилиб бўлмайди. Ўз навбатида, ўқувчилардан дарс материалларини юқори-илмий даражада ўзлаштиришларини ҳам кутиб бўлмайди”, – деб таъкидлайди.

Масалани тўғри ҳал этиш талабаларнинг ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини, шунингдек, ўзига хос шахсий хусусиятлари, маънавияти, тарбияланганлик даражаси, педагогик, касбий камолоти ва ҳоказоларни аниқлашга ҳам боғлиқ бўлади. Талабаларнинг онгли мустиқиллиги ушбу мотивлар – интилиш – қизиқиш – фаол онгли фаолият – унга бўлган эҳтиёж – эгалланган билим, кўникма ва малакаларни қўллаш тартибида шакллантирилади [8].

Талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришдан асосий мақсад бўлғуси мутахассисларни касбий фаолият соҳаси билимлари, усул ва воситаларидан самарали фойдаланиш малакасини эгаллашга ёрдам бериш, мавжуд моддий ва маънавий салоҳиятни янги ғоя, шу асосда янги ечимлар яратиш, амалиётга татбиқ этишда ижодийликнинг ҳамда у асосида ташкил этилган фаолиятни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиши мумкин:

- ижодий ҳамкорликни ижтимоий-маданий қадрият, уни яратишга қаратилган онгли амаллар мажмуи сифатида ўзлаштиришда назарий билимлар билан қуроллантириш;

- ижодий ҳамкорликни аксиологик, интеллектуал ва функционал асослари билан таништириш, уни амалга оширишнинг омиллари ҳақида тушунча бериш;

- ижодий фаолиятни яратувчи, уларни татбиқ этувчи талабанинг умум-ижтимоий ва ижодкорлик табиати, шунингдек, унинг конкрет касбий фаолиятда гавдаланиш хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш;

- креатив ғояларни илгари суриш ҳамда уни амалга ошириш жараёнини таҳлил қилиш қобилиятини тарбиялаш;

- бўлғуси касбий фаолиятга оид креативликни кўрсатиш, уларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш малакаларини шакллантириш;

- ижодий ҳамкорлик билан боғлиқ стратегик, тактик, оператив вазифаларни бажариш лаёқатини юзага келтириш;

– талабалар томонидан ижодий ҳамкорлик қадриятларини ўзлаштириш билан бир қаторда уларнинг ижодий фаолиятидаги зарурий индивидуал салоҳиятни аниқлаш, уни янада кучайтиришга замин яратиш, ва ҳ.к.

Тадқиқотлар жараёнида бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетенциясини шакллантиришнинг дидактик тамойиллари (ўқув материални импровизация қила олишга инновацион ёндашув; тиллар ва маданиятлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ўзаро алоқа ва ўзаро таъсир тамойили; толерантлик тафаккурининг устуворлигини таъминлаш тамойили; илғор халқаро ғояларнинг имплементация қилиниши тамойили; ижтимоий-ғоявий маданиятнинг устуворлиги тамойили; лингвомаданий тамойили), методик омиллари (истиқболлини башоратлаш, технологиялаштириш, алгоритмлаштириш, лойиҳалаштириш), социолингвистик коммуникация турлари, типлари, тадқиқот объекти, идентификация иерархияси (биологик, географик, конфессионал, тил нуқтаи назаридан, ижтимоий ва маданий), нутқ маданияти компонентлари, таълим воситалари (матнли воситалар, аудиовизуал воситалар, тасвири воситалар, асосий воситалар, ёрдамчи воситалар), илмий-методик тизими, дарс мазмуни, педагогик мотивлар, эҳтиёжлар, манфаатлар яқдиллиги аниқланади, ўзаро самарали алоқа натижасига эришишнинг шакл, метод ва воситалари танланади[9.16-17].

Олий таълим талабаларда ижодий ёндашув ва ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг устувор белгиларига асосланади, ижодий ҳамкорлик муаммоси ўз ичига кўп мустақил масалаларни олади ва бир қатор концептуал қоидаларни белгилаб беради. Булар талабаларда ижодий ҳамкорлик асосида конкрет технологик масалаларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Булар қуйидагилардан иборатдир:

- ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг педагогик асосларига доир технологияларни яратиш;
- талабада ижодий ҳамкорлик ҳақида тасаввурлар тизимини шакллантириш;
- таълимнинг креатив фаолият жараёнидаги компонентлари алоқадорлигини таъминловчи педагогик воситалар;
- олий таълим муассасасида ижодий ҳамкорлик муҳитини яратиш;
- ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришда индивидуал хусусиятларни аниқлашга таъсир кўрсатувчи технологик ва методик омиллар.

Шу ўринда талабаларнинг ҳамкорликда ривожланишига қаратилган топшириқлар (“Ҳамкорликда ижод қилинг”)ни келтириб ўтсак:

- турли технология ва шакллардан фойдаланиб, гуруҳларда ижодий ишлаш: “ақлий ҳужум”, ролли ўйинлар, гуруҳларда ишлаш, проект методи ва бошқалар;
- биргаликда бажариладиган “оддий” ижодий топшириқлар (жамоа билан, жуфтликларда иншо ёзиш, гуруҳларга бўлиниб, лаборатория ишини ёзиш ва бошқалар);
- гуруҳларда ўқитувчи томонидан ўқувчиларга вазифаларни, ўрнини бўлиб берган ҳолда биргаликда ижодий топшириқни бажариш: гуруҳ бошлиғи, “безатувчи”, экспорт-контролёр ва бошқалар;
- ролларни тақсимлаб, ижодий ролли ўйинлар ташкил қилиш (тақсимланган роллар ўзаро боғланган, ижодий намоён бўлишига имкон бериши, индивидуал ва умумий ижодий натижага эришишга қаратилган бўлиши керак);
- биргаликда ишлашда иштирокчиларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини кўзлаган топшириқлар (масалан, ўзининг нерв системасининг хусусиятларини аниқлаш бўйича тажрибалар ёки чет тилида бир-биридан интервью олиш);

– фаолиятнинг натижаси ва жараёнини биргаликда таҳлил қилиш (масалан, гуруҳнинг ҳар бир вакили томонидан мавзунини ўзлаштирганлик даражасини муҳокама қилиш, гуруҳ ишини баҳолаш);

– ўқув фаолиятининг индивидуал мақсади ва режасини ишлаб чиқишда бир-бирига ёрдам бериш (лаборатория ишларини бажариш бўйича режасини биргаликда тузиш, назорат ишига тайёрланиш бўйича индивидуал режани биргаликда ишлаб чиқиш) [10. Б. 6–7].

Олий таълимда талабаларнинг ижтимоий ҳамкорлик кўникмаларининг ривожланганлигининг намоён бўлиши кўринишларидан бирини инсон салоҳиятини юксак даражада гавдалантирадиган шахс тимсолини шакллан-тиришдан иборатдир. Салоҳият деганда, муайян шароитда воқеликка айланиш қобилиятига эга бўлган яширин имконият тушунилади. Имкониятнинг воқеликка айланиши салоҳиятни фаоллаштириш ва муайян мақсадга йўналтириш жараёни демакдир. Фаоллаштириш категорияси икки ёқлама характерга эга бўлиб, бир томондан, таълим берувчининг муайян мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракатини, бошқа томондан эса талабанинг фаоллигини акс эттиради. Шу муносабат билан талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларининг ривожланишидаги устувор жиҳатларни аниқлаб ва белгилаб олиш муҳим назарий-методологик аҳамиятга эгадир.

Талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш бугунги куннинг зарур ижтимоий талабларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки ижтимоий ҳамкорлик мутахассиснинг ижтимоий эҳтиёжни англаб етиши ва унга керакли ечимни беришига қаратилган фаолиятдир. Шу боис олий таълим тизимида талабаларда ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг самарадор педагогик модели ва шарт-шароитларини яратишга доир тадқиқотларни олиб бориш, бу орқали аниқ натижага йўналтирилган таълим технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан биридир. Айниқса, техника йўналиши мутахассисларида ижодий ҳамкорлик кўникмаларини ривожлантириш орқали уларда коммуникативлик сифатларини, фаолликни шакллантириш жуда муҳим ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, “бит-дарс” технологияси талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини шакллантирадиган ва фаоллаштирадиган, ўқувчиларнинг коммуникатив фаолиятини моделлаштирадиган, бу жараёнда уларнинг мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқув жараёнининг қизиқарлилигини таъминлайдиган, эшитилган фикрга тезлик билан муносабат билдириш, эшитиш ва олдиндан ҳис қилиш сезгиларини шакллантириш ва ривожлантиришга, ҳис-ҳаяжонга солиш, бу орқали ўқув материалининг онгли ўзлаштирилишига рағбат, туртки берадиган энг муҳим эмоционал таъсир воситаларидан биридир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вертикал педагогика – юқори синф ўқувчиларининг қуйи синф ўқувчиларига ёрдам кўрсатишини ташкил этиш шакли. Мазкур атамани нафақат мактабда, балки ОЎЮда ва ўрта махсус таълим муассасаларида ҳам қўллаш мумкин. Айниқса, бу интегратив илмий-педагогик тадқиқотларни амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эга. Педагогика. Энциклопедия. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – Б. 192–193.

2. Бит-дарс – таркибида суҳбат, ўйин ва ижодий машқларни қамраб олган мусобақа характеридаги қизиқарли дарс. Педагогика. Энциклопедия. 1-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2015. – Б. 146
3. <http://library.ziyonet.uz> / Тиллаева Ш.М. Хорижий тилларни касбий мақсадларда ўқитиш.
4. Кўчибоев А. Олий ўқув юртларида хорижий тил аспекти бўйича ўқув машғулотларини технологиялаштириш. (Ўқув-услубий қўлланма). Самарқанд, 2013. – Б. 9–10. (Б. 105.)
5. Кўчибоев А.К. Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. – Самарқанд, 2010. – Б. 5. (Б.148).
6. Кўчибоев А.К. Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. – Самарқанд, 2010. – Б. 12.
7. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-i/> Ижодий ҳамкорлик-uz/.
8. <https://yandex.ru/search/> Тошибекова М. Бўлажак педагогларда ижодий фикрлаш малакасини шакллантириш.
9. Рискулова К.Д. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими. Педагогика фанлари бўйича фан доктори (dsc) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2017. – Б. 16-17.
10. Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар. – Тошкент, 2013. – Б. 6–7. (Б. 28).